

Жиззахлик йўлсозлар фаолиятидан



"Ўзбекистон 24" телеканалда намойиш этилган кўрсатув Жиззах вилояти йўлсозлари фаолиятига бағишланди.

Бугунги кунда Бахмал туманида умумий узунлиги 1137 км дан ортиқ автомобил йўллари бўлиб, шундан 280 км умумий фойдаланишда. Жумладан, унинг 129 км – давлат, 151 км эса – маҳаллий аҳамиятига эга. Айни пайтда туманга кираверишдаги "Ўснат-Бахмал қишлоғи" автомобиль йўлининг 35 километрлик қисмида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Туманнинг Ўснат шаҳарчаси, Аламлик ва Килдон қишлоқларидан ўтувчи автомобиль йўлининг 12 километрлик қисми эса тўлиқ асфалтланмоқда, – дейилади кўрсатувда.

"Олис йўл – отни, оғир йўл – мардни синар" деган мақолни биров мулоҳазаларимизга мосласак, бу йўлларнинг яхшиланиши – айниқса, хайдовчилар учун яхшигина қулайлик бўлиши турган гап. Йўлларни раван қилиш ва унинг атрофида турли инфратузилма объектларини ташкил этиш, табиийки, аҳолининг турмуш фаровонлигига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

"Обод қишлоқ" дастури доирасида туманнинг Оқтош ҚФЙ, Дўстлик МФЙ да ҳам йўлларни таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Яна бир муҳим жиҳат. Жорий йилда давлат раҳбарининг Жиззах вилоятига ташрифи доирасида ҳудуд имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда экотуризмни ривожлантириш, хусусан юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳларни Зомин туристик зонасига жалб этиш мақсадида бу манзилга олиб борувчи йўллар ва унинг атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берилган эди.

Айни кунларда умумий узунлиги 182 км бўлган "Даштобод-Зомин-Бахмал-Ғаллаорол шаҳарчаси" автомобиль йўлининг Бахмал тумани ҳудудидан ўтувчи деярли 40 км лик қисмида жорий таъмирлаш ишлари босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Шундан сўнг кўрсатувда Ғаллаорол туманидаги ишлар тўғрисида ҳикоя қилинади.

Бугунги кунда туманда 1325 км автомобил йўллари бўлиб, шундан 302 км умумий фойдаланишда. Йўлнинг 30 км халқаро, 176 км давлат, 96 км эса маҳаллий аҳамиятига эга. Айни пайтда юқорида тўхталиб ўтганимиз - Зомин туристик зонасига олиб борувчи 182 км узунликдаги "Даштобод-Зомин-Бахмал-Ғаллаорол" автомобил йўлининг Ғаллаорол туманидан ўтадиган қисми аниқроқ айтсак, 166 ва 182 км лар оралиғида таъмирлаш ишлари якунига етказилди. М39 – "Олмаота-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз" йўналишининг туман ҳудудидан ўтувчи йўлида эса қизгин иш жараёни кетмоқда.

Кўрсатув билан тўлиқ равишда ушбу [хавола](#) орқали танишишингиз мумкин.

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси

матбуот хизмати